

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

АВАЗОВ ШУҲРАТ БАХТИЁРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИНИНГ СЕЙСМИК РИСКНИ ЗАМОНАВИЙ
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА
БАҲОЛАШ ВА ХАРИТАЛАШ**

04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Авазов Шухрат Бахтиёрович

Ўзбекистон ҳудудининг сейсмик riskини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида баҳолаш ва хариталаш.....3

Авазов Шухрат Бахтиёрович

Оценка и картирование сейсмического риска территории Узбекистана на основе современных информационно-коммуникационных технологий.....21

Avazov Shukhrat Baxtiyorovich

Assessment and mapping of seismic risk of the territory of Uzbekistan on the basis of modern information and communication technologies.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

АВАЗОВ ШУҲРАТ БАХТИЁРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИНИНГ СЕЙСМИК РИСКНИ ЗАМОНАВИЙ
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА
БАҲОЛАШ ВА ХАРИТАЛАШ**

04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/GM133 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Сейсмология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбекча, русча ва инглизча (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.seismos.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Исмаилов Вахитхан Алиханович геология-минералогия фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Юсунов Шухрат Сакиджанович геология-минералогия фанлари доктори Алимухамедов Илхом Мизратович геология-минералогия фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Сейсмология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 й. «14» март соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй; Тел.: +99871 241-51-70; +99871 241-74-98; E-mail: seismologiya@mail.ru).

Диссертация билан Сейсмология институтининг Ахборот-ресурслар марказида танишиш мумкин (1150-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй; Тел.: +99871 241-51-70.

Диссертация автореферати 2023 йил «27» февраль куни тарқатилди.
(2023 йил «27» февралдаги 13-рақамли реестр баённомаси)




К.Н. Абдуллабеков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., академик


З.Ф. Шукуров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф. фалсафа доктори (PhD)


С.Х. Максудов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида кучли zilзилалар натижасида юзага келадиган талафотларни баҳолаш ва zilзила оқибатларини камайтириш масалалари сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Сейсмик фаол ҳудудларда аҳоли ва ҳудудларни сейсмик хавфдан ҳимоя қилишда zilзила натижасида юзага келадиган иқтисодий талафотларнинг кўламини баҳолашда турли даражадаги сейсмик рискларни баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатларни барқарор ривожланишини таъминлашда zilзила таъсирида ҳудудларда содир бўладиган иқтисодий талафотларни баҳолаш ҳамда белгиланган муддатларда прогноз қилиш zilзила оқибатларини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради.

Ҳозирда дунёнинг ривожланган давлатларида регионал миқёсда сейсмик рискни баҳолаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, сейсмотектоник ва сейсмологик моделларни яратиш, сейсмик таъсирларда грунтларни тебраниш қонуниятларини аниқлаш, турли грунт шароитларида сейсмик жадаллик қийматларини аниқлаш орқали сейсмик хавфларни баҳолаш услубиётини яратиш, турли конструкциядаги бино ва иншоотларни заифлик функцияларини тузиш ҳамда шикастланиш даражаларини аниқлаш, грунт шароитларини ҳисобга олган ҳолда сейсмик тебранишларнинг моделларини яратиш, сейсмик таъсирларда бино ва иншоотларни миқдорий баҳолаш, яъни zilзила оқибатларини оператив баҳолаш орқали ГАТ технологиялар негизида махсус дастурлар ишлаб чиқиш ҳудудларнинг сейсмик рискни тезкор баҳолашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизнинг сейсмик фаол ҳудудларида асосан урбанлашган ҳудудлар учун сейсмик рискни баҳолаш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, Тошкент, Жиззах ва Бухоро шаҳарлари ҳудудларининг сейсмик рискни баҳоланган. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «...экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада муҳандис-геологик шароитлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда республика ҳудудининг сейсмик рискни баҳолаш бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги «Сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлиги соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3190-сон Қарори, 2020 йил 30 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4794-сон Қарори, 2022 йил 30 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-144-сон Фармони ҳамда аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлашга тегишли бошқа меъёрий ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республиканинг фан ва технологияларни ривожлантириш – VIII «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий адабиётларда “Сейсмик риск” тушунчаси 1968 йилда биринчи бўлиб америкалик олим С.А. Cornell, кейинчалик россиялик В.И.Кейлис-Борок томонидан қўлланилган бўлиб, унда маълум бир ҳудудда маълум вақт оралиғида содир бўлган zilзила интенсивлиги ҳудуднинг баҳоланган сейсмиклигидан ошиб кетиш эҳтимоли тушуниланган. Лекин ҳозирги вақтда сейсмик риск, тушунчаси БМТнинг UNDRO (United Nations Disaster Relief Organization) ташкилоти томонидан 2001 йили киритилган таърифга кўра ижтимоий-иқтисодий эҳтимолий зарар деб қабул қилинган.

Сейсмик рискни баҳолаш бўйича илмий тадқиқотларни ривожланиши 1971 йил 9 февралда бўлиб ўтган Сан-Фернандо талафотли zilзиласи билан боғлиқ. Zilзила натижасида АҚШдаги кўплаб суғурта компаниялар инкирозга учради ва улар талафотларни иқтисодий баҳолаш бўйича тадқиқотларни амалга ошириш учун молиялаштиришни бошлашди. Бундай устувор ишлар Массачусетс технология институтида R.V. Whitman раҳбарлигида олиб борилди ва энг муҳим илмий-амалий ютуқларидан бири - зарар ва йўқотишларни ҳисоблашнинг янгича услубини ишлаб чиқилганлиги бўлди.

Кейинчалик сейсмик рискни баҳолашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар кўплаб олимлар R.V. Whitman, D.C. Friedman, I.M. Idriss, C.S. Oliveira, H.C. Shah, S. Kisliakov, V. Silva, O.D. Cordona, В.И. Осипов, Г.А. Соболев, С.К. Шойгу, Г.Л. Кофф, А.Л. Рогозин, М.А. Шахраманян, В.А. Ларионов, С.П. Суцев, В.Г. Алказ, В.Б. Заалишвили, Е.Н. Черных, Ю.К. Чернов, С.А. Тягунов, С.Н. Назаретян, А.Д. Абакаров, И.Б. Курбанов ва бошқалар томонидан олиб борилди. Улар сейсмик рискни баҳолашнинг услубий жиҳатларини ишлаб чиқдилар.

Ўзбекистонда сейсмик рискни баҳолашга бағишланган илмий тадқиқотлар ўтган асрнинг 90-чи йилларида илк бор олиб борилган бўлиб, унда муайян объектлар учун сейсмик хавфни, сейсмик таъсирни ва сейсмик рискни миқдорий баҳолаш ва прогноз қилиш усули С.А. Тягунов, В.А. Исмаилов, А. Жураев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган. Кейинчалик кенг қамровли сейсмик рискни баҳолаш тадқиқотлари БМТнинг 1989 йил 22 декабрдаги №44/236 резолюциясига “Табиий офатлар зарарларини камайтириш бўйича халқаро декада (IDNDR)” боғлиқ ҳолда Тошкент шаҳрида амалга оширилди. Бу тадқиқотлар Т.Р. Рашидов,

Ш.А.Хакимов, А.А.Миржалилов, К.Н.Абдуллабеков раҳбарлигида олиб борилган.

Сейсмик рискни турли даражада баҳолаш бўйича услубий тадқиқотлар В.А. Исмаилов томонидан бажарилиб, унда турли ҳудудий даражада (маъмурий регионда, шаҳар ҳудудида ва қурилиш майдонида) баҳолашнинг муҳандис-сейсмологик илмий асослари ишлаб чиқилган. Шу билан бирга Н.Ғ.Мавлонова, А.С.Хусомиддинов, Ш.И.Ёдгоров ва Б.У.Актамовлар томонидан республика ҳудудида сейсмик рискни турли даражада эҳтимолий ва детерминистик ёндашувлар асосида баҳолаш ҳамда таъсир қилувчи омилларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ГАТ технологиялари ёрдамида регионал даражада баҳолашнинг картографик моделлари ишлаб чиқилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170928253 «Кучли zilзилалар содир бўлганда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Давлат тизимининг самарали чора-тадбирлар сценарийсини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси (2018-2020 йй.) ҳамда Ўзбекистон Республика Президентининг 2020 йил 30 июлдаги №ПҚ 4794-сонли қарорининг 1-илова 30-бандига мувофиқ “Минтақавий даражадаги сейсмик хавфни баҳолашнинг илмий-услубий асосларини ҳамда Ўзбекистон ҳудудининг майда масштабли сейсмик риск харитасини ишлаб чиқиш ва унинг базасида дастурий таъминотни яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси (2020-2021 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сейсмик рискни регионал миқёсида баҳолаш усулини такомиллаштириш ва унинг асосида Ўзбекистон ҳудудининг сейсмик рискин баҳолаш ва харитасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ҳудудида тарқалган грунтларни петрографик ва литологик турини, физик ва сейсмик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда регионал миқёсда сейсмик жадаллик орттирмаси харитасини тузиш усулини ишлаб чиқиш;

Давлат кадастрлари палатаси тасарруфидаги “Кўчмас мулк” объектлари маълумотларини қайта таҳлил қилиш орқали маълумотлар базасини яратиш; сейсмик жадаллик орттирмаси харитаси асосида сейсмик хавфни регионал миқёсда баҳолаш ва харитасини тузиш;

Ўзбекистон Республикасида қурилган барча биноларни конструктив турларга ажратиш, уларни сейсмик заифлигини ва талафотланиш даражасини аниқлаш ҳамда сейсмик заифлик функцияларини ишлаб чиқиш;

Республика ҳудудининг сейсмик риск харитасини тузиш ҳамда унинг базасида дастурий таъминот яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди танланган.

Тадқиқотнинг предмети шаҳар ва туманлар ҳудудларининг грунт шароитларини ҳисобга олган ҳолда сейсмик таъсирни ва сейсмик рискни баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида муҳандис-геологик ва геофизик тадқиқот усулларида, жумладан, грунтларнинг сейсмик хусусиятларини дала шароитида ўрганишда сейсмик кидирув усулидан, шунингдек республика ҳудудида тарқалган грунтларнинг турини, муҳандис-геологик хусусиятларини аниқлашда ҳамда муҳандис-геологик районлаштиришда муҳандис-геологик дала тадқиқотларидан фойдаланилди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги турар-жой биноларининг шикастланиш даражасини баҳолашда «GESI_Program» дастуридан, ахборот коммуникация технологиялари асосида яратилган “SeismicRiskAssessment.v.2.0” компьютер дастури орқали сейсмик рискни регионал миқёсида баҳолаш ҳамда ГАТ технологиялари орқали махсус моделлар яратиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

регионал миқёсида сейсмик хавфни баҳолаш ва хариталаш усуллари грунт шароитларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган ва Ўзбекистон ҳудудининг сейсмик хавфи баҳоланган;

республика ҳудудида қурилган турар-жой биноларининг конструктив турлари бўйича сейсмик заифлик функциялари аниқланган ва улар асосида Республика ҳудудининг маъмурий туманлари кесимида ўртача сейсмик заифлик баҳоланган;

кучли zilzilalarда юзага келадиган талафотларни тезкор иқтисодий кўрсаткичларда аниқлашга йўналтирилган “SeismicRiskAssessment.v.2.0” компьютер дастури АКТ асосида ишлаб чиқилган.

регионал миқёсида такомиллаштирилган сейсмик рискни баҳолаш усули асосида илк бор Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг майда масштаби сейсмик риск харитаси иқтисодий ва турар-жой фондини йўқотиш кўрсаткичларида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Республика ҳудудининг муҳандис-геологик шароитни ва грунтларнинг сейсмик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сейсмик жадаллик орттирмаси ҳамда сейсмик хавф хариталари тузилган;

Республика ҳудудидаги турар-жой биноларни конструктив турлари бўйича маъмурий туманлар миқёсида сейсмик заифлигини ўрта кўрсаткичлари ҳисобланган ва улар асосида маълумотлар базаси яратилган;

Республика ҳудудида кучли zilzila содир бўлганда эҳтимолий талафотларни иқтисодий кўрсаткичларда тезкор баҳолашнинг «SeismicRiskAssessment.v.2.0» компьютер дастури яратилган;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг майда масштаби сейсмик риск харитаси иқтисодий кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Республика ҳудудида олиб борилган муҳандис-геологик, геофизик ва сейсмологик тадқиқотлар, шу жумладан регионал даражада грунтларнинг муҳандис-геологик

шароитларини ажратишда 58 та бурғулаш қудуқлари маълумотларидан, 83 та сейсмик қидирув тадқиқотлари ўтказилган майдонлар ва республиканинг турли ҳудудлари учун 7 та муҳандис-геологик кесимлардан олинган натижалар асосида грунтларнинг сейсмик хусусиятлари бўйича таҳлилий ишлар олиб борилганлиги, кадастр маълумотлари асосида республиканинг 5 760 258 та якка тартибли турар-жой бинолари, 44 728 та қўп қаватли турар-жой бинолари, умумий ҳисобда хонадонлар кесимида 7 135 881 та турар-жой бинолари бўйича тизимли маълумотлар базаси шакллантирилганлиги, турар-жой биноларининг жойлашув маълумотларига кўра қанча бино қандай сейсмик балли районларда жойлашганлиги бўйича турар-жой бинолари: 5 балли районларда 6 031 та, 6 баллида 398 838 та, 7 баллида 1 956 323 та, 8 баллида 2 960 146 та, 9 баллида 1 818 597 та ҳамда кадастр маълумотлари ва «GESI_Program» дастури асосида 5 типдаги конструктив биноларнинг шикастланиши бўйича олинган натижалар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республика ҳудудида сейсмик хавфни муҳандис-геологик шароитларини ҳисобга олган ҳолда регионал миқёсида баҳоланганлиги ҳамда макросейсмик балларда сейсмик жадаллик орттирмаси харитаси ишлаб чиқилганлиги асосида сейсмик рискни регионал миқёсида баҳолаш услубиятини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган сейсмик жадаллик орттирмаси харитаси асосида республика ҳудудининг маъмурий туманлар кесимида бино ва иншоотларга бўладиган сейсмик хавфни баҳолаш бўйича кучли zilзилаларда эҳтимоли юқори бўлган талафотларни иқтисодий баҳолаш ва зарарларни камайтириш чора-тадбирларини ўз вақтида ишлаб чиқиш, аҳоли ва ҳудудларни хавфсизлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг сейсмик riskини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

грунт шароитларини ҳисобга олган ҳолда сейсмик хавфни регионал миқёсида баҳолаш ва хариталаш усуллари асосида такомиллаштирилган Ўзбекистон ҳудудининг сейсмик хавф харитаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида амалиётга жорий этилган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2022 йил 26 декабрдаги 1/4/32-4041-сон маълумотномаси). Натижада, республика ҳудуди учун сейсмик жадаллик харитаси аҳоли ва ҳудудларни хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилаш имконини берган;

Республика ҳудудининг маъмурий туманлари кесимида турар-жой биноларининг ўртача сейсмик заифлик кўрсаткичларини аниқлаш ва хариталаш усуллари асосида ишлаб чиқилган сейсмик заифлик харитаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги амалиётга жорий этилган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2022 йил 26 декабрдаги 1/4/32-4041-сон маълумотномаси). Натижада, республика ҳудудининг сейсмик заифлик харитаси асосида ФВВ тузилмаларига туман ва шаҳарлар кесимида ўқув-амалий тадбирларни олиб боришга имкон берган;

ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда кучли зилзилалар содир бўлганда ҳудудларда талафотларни тезкор аниқлашга йўналтирилган “SeismicRiskAssessment.v.2.0” компьютер дастури Фавқулодда вазиятлар вазирлиги амалиётига жорий этилган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2022 йил 26 декабрдаги 1/4/32-4041-сон маълумотномаси). Натижалар содир бўлиши мумкин бўлган кучли зилзилаларда қутқарув ишларини самарали режалаштириш имконини берган;

регионал миқёсида сейсмик рискни баҳолашнинг такомиллаштирилган услуби асосида илк бор иқтисодий кўрсаткичларда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг майда масштаби сейсмик риск харитаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги амалиётига жорий этилган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2022 йил 26 декабрдаги 1/4/32-4041-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган сейсмик риск хариталари республика ҳудудларида кучли зилзилаларда талафотларни дастлабки ҳолатда баҳолаш ишларини самарали режалаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот 2 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та мақола ва тезислар чоп этилган. Шулардан 8 та тезис, 6 таси илмий мақола. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, шу жумладан, 4 та республикада ва 1 та хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ келиши кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар бўйича маълумотлар диссертациянинг тузилиши ва хулоса қисмлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Сейсмик рискни баҳолашнинг ривожланиш босқичлари ва ўрганилганлик ҳолати**» деб номланган биринчи бобида сейсмик рискни баҳолашнинг ўрганилганлик даражаси ва ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган ҳамда сейсмик рискни баҳолаш бўйича Республика ҳудудида олиб борилган ишлар таҳлилий маълумотлари келтирилган.

Маълумки БМТ нинг №44/236 резолюциясига асосан XX асрнинг 90-йилларида Давлат маъмурий-худудий тузилиши бўйича аҳоли ва иқтисодий объектлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида табиий ва техноген талафотларни вужудга келиш рискинни ҳисоблаш ишлари олиб борилган.

Хавфли табиий жараёнларни ўрганиш ва улар натижасида юзага келиши мумкин бўлган талафотларни баҳолаш бўйича тадқиқотлар россиялик В.И.Осипов, А.Л.Рагозин, Г.Л. Кофф, В.А.Ларионов, С.П.Сущев ва бошқа мутахассисларнинг илмий ишларида қайд этилган. Улар томонидан фавқулодда вазиятлардаги талафотларни баҳолашнинг амалий ва назарий асосларини ҳамда хавфли табиий жараёнлардан ҳимояланишнинг ахборот таъминоти, унинг асосида кутилаётган зарарларнинг иқтисодий ҳисоб-китоблари аҳоли қатлами ўсиб бораётган ҳудудлар ва бошқа аҳоли яшаш пунктлар учун ишлаб чиқилган.

1990-1995 йилларда ЎзР ФА Сейсмология институтида С.А.Тягунов, В.А.Исмаилов, А.Жураев ва Т.С.Валиевлар томонидан сейсмик рискни баҳолаш бўйича дастлабки илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Тадқиқотлар натижасида нуқтавий объектлар жойлашган ҳудудларни сейсмик рискни дастлабки яқинлашишда баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган.

2018-2020 йиллари кенг қамровли тадқиқотлар натижасида республикадаги шаҳар (Тошкент, Бухоро, Фарғона ва Жиззах) ва вилоят ҳудудларини (Жиззах ва Андижон) сейсмик рискинни баҳолаш усуллари В.А.Исмаилов, Н.Ғ.Мавлянова, А.С.Хусомиддинов, Ш.И.Ёдгоров, Б.У.Актамов ва Ш.Б.Авазовлар томонидан ишлаб чиқилди ва ушбу ҳудудлар учун сейсмик риск хариталари яратилди.

Сейсмология институтида олиб борилган тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлили асосида республика ҳудудида сейсмик рискни регионал миқёсда баҳолаш, хариталаш ва онлайн картографик моделларини яратишга доир илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаганлиги ва ҳозирги кундаги қўлланилаётган усуллар қатор камчиликлардан холи эмаслиги аниқланди. Сейсмик рискни регионал миқёсда баҳолаш услубиёти такомиллаштирилмаганлиги ва бунда маъмурий ҳудудлар чегарасида иқтисодий зарарларни баҳолаш дастури йўқлиги ушбу ишни долзарблигини белгилайди.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ҳудудининг муҳандис-геологик шароитининг ўзига хослиги»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ҳудудини муҳандис-геологик районлаштириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг геоморфологик ва геологик-литологик тузилиши, ер ости сувларининг тарқалиши ва экзоген геологик жараёнлари тўғрисида маълумотларлар келтирилган.

Ўрганилаётган ҳудуд муҳандис-геологик шароитининг ўзига хослигини Ғ.О.Мавлонов, А.И.Исломов, П.М.Карпов, С.М.Қосимов, Р.Ф.Кирсанова, А.М.Худайбергенов, М.Ш.Шерматов, К.П.Пулатов ва бошқалар томонидан таҳлил қилиниб, минтақалаштирилган. Улар томонидан республика ҳудудида турли муҳандис-геологик шароитга эга бўлган

12 минтақа ва минтақа ости ҳудудлар ажратилган. Мазкур диссертацияда ажратилган минтақа ҳудудлардаги муҳандис-геологик шароитлар таснифи келтирилган.

Ўзбекистон ҳудудининг юза қатламларда (10-15 м. чуқурликда) геологик тузилишининг турлилиги, тоғ жинсларининг петрографик ва литологик таркибининг ўзгариши, геоморфологик тузилишини географик зоналарга боғлиқлиги ва ер ости сувларини тарқалишининг ўзига хослиги ҳамда экзоген геологик жараёнларнинг мавжудлиги ва жадаллиги ҳудуднинг муҳандис-геологик шароитини мураккаблигини намоён этади. Шунингдек, Республика орографиясининг асосий белгилари кўп сонли тоғ тизмаларининг геологик тузилиш хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқдир. Тоғ тизмалари орасида кенг тоғолди текисликлари, тоғлараро кўтарилмалар ва ботиқликлар мавжуд ҳамда улар тоғ жинсларида нураш жараёнларининг кўплиги билан ифодаланади.

Ўзбекистон ҳудудининг асосий қисмини турли генезисли ва литологик таркибли тўртламчи давр ётқизиқлари ташкил қилади. Табиий омилларни намоён бўлиш устунлигига қараб тўртламчи давр ётқизиқларнинг айрим турлари кенг тарқалган. Республика ҳудудида аллювиал, пролювиал, делювиал, эолли, элювий ва бошқа турдаги ётқизиқлар учрайди. Дастлабки тўрттаси энг кенг тарқаган бўлиб, улар геоморфологик формаларда, яъни дарё водийлари ва уларнинг ирмоқлари бўйлаб, шунингдек, республиканинг тоғ олди, пасттекис қисмидаги водийлар ва жарликлар бўйлаб ривожланган.

Тоғ жинсларни литологик ва петрологик таркиби бўйича республика ҳудудида тарқалиши ўзга хос хусусиятга эга ва улар маълум бир зоналарда мужассам бўлган. Агар тоғли ҳудудлар магматик, метаморфик ва чўкинди қоятош тоғ жинслардан ташкил топган бўлса, уларнинг ён бағирларида турли қалинликда делювиал ва пролювиал генезисли чўкинди шебень, дресва ва кум тарқалган.

Пасттексликларда асосан эол ва пролювиал суглиниклар, супеслар ва кум ётқизиқлари тарқалган. Дарёлар қайрлари ва террасалари йирик бўлакли гравийлар, галечниклар ва харсанг тошлардан ташкил топган.

Ер ости сувларининг биринчи горизонти геоморфологик тузилиш бўйича турли чуқурликда тарқалган. Сув сатҳининг юқори ҳолати асосан пасттекисликларда, асосан ер ости сувининг гидродинамик ҳаракати суст бўлган ҳудудларда ҳамда дарё ўзанларида ва қайрларида ҳамда кишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ҳудудларда кузатилади. Тоғ ва унинг ён бағирларида ер ости сувлари чуқур қатламларда, тоғ жинслар дарзликларида тарқалган.

Экзоген геологик жараёнлар локал ҳудудларда тарқалган бўлиб, улар кўчки, ўпиришлар, чўкишлар ва бошқа кўринишда тоғли ҳудудларда учрайди.

Диссертациянинг «**Грунт шароитини ҳисобга олган ҳолда сейсмик хавфни баҳолаш асослари**» деб номланган учинчи бобида сейсмик жадаллик орттирмасининг республика ҳудуди бўйича ўзгариши, сейсмик хавфни баҳолашнинг такомиллаштирилган услуби ва Ўзбекистон

Республикаси ҳудудини грунтларнинг сейсмик хусусияти бўйича категорияларини ҳисобга олган такомиллаштирилган сейсмик районлаштириш харитаси (УСР-2017) таснифи берилган.


Сейсмик рискни баҳолаш учун ривожланган давлатлар Германия, Япония, Италия, Россия, Молдова ва б.қ. тажрибасини инобатга олган ҳолда сейсмик хавфни баҳолашда 50 йил ичида сейсмик таъсир эҳтимоли 90% ошмаслик концепцияси асос қилиб олинди. Бунда республика ҳудуди учун ишлаб чиқилган умумий сейсмик районлаштириш харитаси (УСР-2017) сейсмик рискни баҳолашда асос қилиб олинди. Шунинг таъкидлаш керакки, ушбу харитадаги сейсмик хавф қиймати фақат ўрта грунтлар учун ҳисобланган бўлиб, сейсмик хусусиятлари бўйича бошқа тоифадаги грунтлар ҳисобга олинмаган.

Маълумки, ҚМҚ-2.01.03.19 меъёрий ҳужжатининг 1.1-жадвалига мувофиқ грунтлар сейсмик хусусиятлар бўйича уч тоифага ажратилган ва ҳар бир тоифа учун сейсмик жадаллик орттирмасининг қиймати белгиланган. Республика ҳудуди бўйича йиғилган муҳандис-геологик маълумотларни ва Сейсмология институти томонидан олиб борилган геофизик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш асосида республика ҳудудида тарқалган грунтларнинг сейсмик хусусиятлари аниқланди ва грунт шароити бўйича тоифаланди. Грунтларни тоифаларга ажратишда грунтларнинг ер юзасидан 10 м. чуқурликдаги литологик қирқими (ГОСТ 25100-2011) ва шу қирқимда кўндаланг сейсмик тўлқин тарқалиш тезлигининг ўртача қиймати инобатга олинди. Республика ҳудудида тарқалган грунтларнинг сейсмик хусусиятларига кўра сейсмик жадаллик орттирмаси харитаси 1:1000 000 масштабда тузилди. Унда республика ҳудуди + 1, 0 ва -1 баллик зоналарга ажратилди.

Грунт шароитини ҳисобга олган ҳолда тузилган сейсмик жадаллик орттирмаси харитаси республика учун тузилган сейсмик районлаштириш УСР- 2017 харитасини такомиллаштириш имкониятини берди. Унда ҳар бир ҳудуднинг сейсмик жадаллик қиймати грунт шароитига кўра қайта аниқланган сейсмик жадаллик орттирмаси қиймати билан боғлиқ ҳолда тузатишлар киритилган. Регионал миқёсда грунт шароитини ҳисобга олган ҳолда сейсмик хавфни баҳолашнинг такомиллаштирилган методикаси асосида республика ҳудудининг сейсмик жадаллик харитаси ишлаб чиқилди (1-расм).

Ушбу харитада сейсмик хавфи 5, 6, 7, 8 ва 9 балли бўлган зоналар ажратилган. Ўрта грунтлар учун ишлаб чиқилган сейсмик хавф харитаси УСР- 2017 ва грунт шароитини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган сейсмик жадаллик хариталар ўртасида катта фарқ мавжуд. Бу фарқлар сейсмик хусусияти I ва III тоифадаги грунтлар тарқалган ҳудудларга тааллуқли бўлиб, шу ҳудудларда сейсмик жадаллик қиймати 1 баллга камайтирилган ёки 1 баллга орттирилган. Натижада сейсмик хавфи 8 баллик бўйича ҳудудлар I тоифадаги грунтларда 7 баллни, III тоифадаги грунтларда 9 баллни ташкил қилади. Грунт шароитини ҳисобга олиш натижасида ҳудудларнинг сейсмик хавфини баҳолашнинг ишончлилиқ даражаси

бирмунча ошди. Бу ўз навбатида сейсмик рискни баҳолашнинг аниқлигини оширади.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг грунт шароитини ҳисобга олган схематик сейсмик жадаллик харитаси

Диссертациянинг «Ўзбекистон ҳудудида қурилган турар-жой биноларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида турар-жой биноларнинг кадастр маълумотлари базасининг тизимли таҳлили, мавжуд турар-жой биноларнинг муҳандислик кўрсаткичлари бўйича ҳудудий рўйхатини тузиш ва регионал маълумотлар базасини яратиш, турар-жой биноларининг сейсмик заифлигини баҳолаш усули ва республика ҳудудида қурилган турар-жой биноларни туманлар кесимида харитасини тузиш кўриб чиқилган.

Республика миқёсида 2021 йил 1 февраль ҳолатига кўра турар-жой бинолари сони 7 135 881 та бўлиб, уларда 4,4 млрд.кв.м фойдали майдон мавжуд. Турар-жой объектларнинг тизимли электрон маълумотлар базаси ҳар бир бинонинг конструктив турлари бўйича туманлар кесимида умумлаштирилди.

Сейсмик жадаллик қиймати турли бўлган ҳудудларда жойлашган турар-жой биноларининг конструктив турлари бўйича тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Биноларнинг конструктив турлари					Жами	Худуднинг сейсмик жадаллик кўрсаткичи, баллда
Темир-бетон	Ёғоч	Пишиқ ғишт	Металл каркасли	Маҳаллий гилли материаллари		
758	1	2 933	0	2 339	6 031	5
24 431	3 323	62 787	126	308 171	398 838	6
176 113	10 029	338 873	3292	1 428 018	1 956 323	7
169 079	31 954	985 165	6318	1 767 630	2 960 146	8
133 535	23 030	217 787	3025	1 442 220	1 819 597	9

Ҳар бир бинонинг конструктив тури бўйича сейсмик заифлик функциялари эмпирик усулдан GESI Program дастуридан фойдаланган ҳолда аниқланди. Сейсмик хавфи турли бўлган ҳудудлар учун аниқланган функциялар асосида турар-жой биноларининг сейсмик заифлиги баҳоланди.


Сейсмик заифлиги баҳоланган ҳар бир биноларнинг маъмурий туманлар чегараларида умумлаштирилган қиймати қуйидаги формула асосида аниқланди (С.А.Тягунов ва бошқалар, 2007):

$$MVR = \frac{\sum_{i=1}^n N_i \cdot MVR_i}{\sum_{i=1}^n N_i}$$

Бунда MVR – туман ҳудудининг ўртача сейсмик заифлик кўрсаткичи, MVR_i - ажратилган турдаги бинонинг ўртача қийматига мос заифлик қиймати, N – ҳудуддаги бир турдаги бинолар сони.

Шундай қилиб, республика ҳудуди учун туманлар кесимида ўртача сейсмик заифлик қийматлари аниқланди. Ҳудудлар бўйича сейсмик заифлик қуйидаги катталикларда аниқланди: 0-0,15; 0,16-0,3; 0,31-0,45; 0,46-0,6; 0,61-0,75 (2-расм).

Республика ҳудудини учун сейсмик заифлигининг ўртача қийматлар харитаси регионал миқёсда талафотларни дастлабки маълумотларни маъмурий туманлар кесимида аниқлашга ҳизмат қилади.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси маъмурий туманлар кесимида сейсмик заифликнинг ўртача қийматлари харитаси

Диссертациянинг бешинчи боби **“Сейсмик рискни замонавий ахборот-коммуникация технологиялар асосида баҳолаш ва хариталаш”** деб номланган бўлиб, унда, маълумотлар базаси ва ундан фойдаланишнинг функционал структураси, сейсмик рискни тезкор баҳолашнинг ГАТ технологиялар асосидаги SeismicRiskAssessment.v.2.0 дастурий таъминот яратилиши, минтақавий даражада сейсмик рискни баҳолаш услуги ишлаб чиқилиши ҳамда улар асосида Ўзбекистон Республика ҳудудининг сейсмик риск харитаси келтирилган.

Кадастр маълумотлари базасининг вақт давомида ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда сейсмик рискни регионал миқёсда баҳолашнинг автоматлаштирилган тезкор “SeismicRiskAssessment.v.2.0” компьютер дастури яратилди ва у Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан рўйхатдан ўтказилди ва расмий рўйхатдан ўтганлик тўғрисида DGU 12542 99 рақамли гувоҳнома олинди.


Компьютер дастури ГАТ платформалари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, бир қанча платформаларда кучли zilзила содир бўлганда, зарарни баҳолаш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни рақамлар кўринишида олиш имконини беради. Шунинг таъкидлаш керакки, кучли zilзилалар натижасидаги иқтисодий кўрсаткичлардаги зарар маъмурий туманлар кесимида тезкор ҳисобланади ва харитада умумлаштирилади.

Сейсмик рискни регионал миқёсда баҳолаш услугиётини такомиллаштириш бир қанча босқичларда олиб борилади. Қуйида сейсмик рискни баҳолашнинг такомиллаштирилган услугиётининг технологик схемаси келтирилган (3-расм).


Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг сейсмик риск харитасини ишлаб чиқиш учун сейсмик хавф, бинолар сони ва уларнинг конструктив турлари, биноларнинг сейсмик заифлик коэффициенти, кадастр қиймати ва бошқа маълумотларнинг ҳудудий тақсимланишини тизимлаштириш ва баҳолаш имконини берувчи ГАТ дастури платформалари асосида бир нечта маълумотлар базалари яратилди.

Шунга кўра сейсмик рискни митақавий баҳолаш ва харитасини тузиш модели ишлаб чиқилди (4-расм).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг сейсмик риск харитасини ишлаб чиқишда бошқа мамлакатларда, хусусан, Германия, Италия, Россия, Молдовия, Арманистон ва бошқа давлатларда қўлланиладиган мавжуд илғор баҳолаш ва хариталаш услугиётларининг ижобий тажрибалари ҳисобга олинди.




3-расм. Сейсмик рискни баҳолашда такомиллаштирилган услубиётнинг технологик схемаси



4-расм. Сейсмик риск харитасини тузиш модели

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг сейсмик риск харитаси эҳтимолий иқтисодий зарарларни баҳолаш натижалари асосида ишлаб чиқилди ва бирлиги миллиард сўмда баҳоланди (5-расм).



5-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг сейсмик риск харитаси

ХУЛОСА

Диссертация мавзуси бўйича олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Ўзбекистон ҳудуди геоморфологик ва геологик тузилиши ҳамда тоғ жинсларининг 10 м чуқурликда таркибини ўзгариши асосида муҳандис-геологик шароити ўзига хослиги аниқланди ва сейсмик жадаллик орттирмасининг туман ҳудудлари кесимида ўзгариши аниқланди ҳамда илк бор республика ҳудуди учун 1:1 000 000 масштабда сейсмик жадаллик орттирмаси харитаси тузилган.

2. Республика ҳудуди учун тузилган УСР-2017 сейсмик районлаштириш харитаси грунт шароитини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилди. Бунда ҳудуднинг сейсмик хавфини баҳолашда грунтларнинг сейсмик категориялари инобатга олган ҳолда баъзи бир ҳудудларда бир баллга оширилди, баъзи ҳудудларда камайтирилди ва ўрта грунтларга тааллуқли бўлган ҳудудлар ўзгартиришсиз қолдирилди. Ушбу тузатишларни умумлаштирган ҳолда Ўзбекистон ҳудудининг грунт шароитини ҳисобга олган ҳолдаги сейсмик жадалликнинг 1:1000 000 масштабдаги схематик харитаси тузилган.

3. Республика миқёсида 2021 йил 1 февраль ҳолатига кўра 7 135 881 та кўчмас мулк объектлари учун тизимли электрон маълумотлар базаси турар-жой биоларнинг конструктив типи, жойлашиш координаталари ва қаватликлари бўйича тизимланган базаси ишлаб чиқилди ҳамда ҳар бир бино конструктив турлари бўйича туманлар кесимида ажратилди. Ушбу маълумотлар базаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча аҳоли пунктларидаги бино ва иншоотларнинг конструктив типлари бўйича кучли зилзилаларда бевосита талафотларни тезкор миқдорий баҳолаш учун яратилган бўлиб, ҳудудда содир бўлиши мумкин бўлган кучли зилзилаларга олдиндан тайёргарлик кўриш чора-тадбирларни ва талафотларни камайтириш дастурларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

4. Республика ҳудудининг схематик сейсмик жадаллик харитасига ва биоларнинг конструктив типлари бўйича аниқланган сейсмик заифлик функцияларига асосланган ҳолда турар-жой биоларининг туманлар кесимида сейсмик заифлик даражаси аниқланди. Олинган маълумотларни умумлаштириш натижасида республика ҳудудаги қурилган турар-жой биоларнинг сейсмик заифлиги бўйича харитаси тузилди. Бунда туманлар кесимида сейсмик заифлик қийматлари 0-0,15; 0,16-0,3; 0,31-0,45; 0,46-0,6; 0,61-0,75 миқдорда ўзгариши ҳисобланган.

5. Кучли зилзилалар содир бўлганда регионал миқёсдаги талафотларни аниқлашнинг тезкор автоматлаштирилган «SeismicRiskAssessment.v.2.0» компьютер дастури ахборот-коммуникация технологиялар асосида ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган дастур юқори аниқликда маълумотлар базасини таҳлил қилиш, бино-иншоотларни кадастр маълумотлари асосида талафотларни автоматлаштирилган ҳолда иқтисодий кўрсаткичларда аниқлаш имконини беради.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди учун тузилган сейсмик риск хариталари икки кўрсаткичда ифода этилган: турар-жой фондини талафотланишни фойдаланиш майдони (кв.м.) бўйича ва талафотланишни иқтисодий кўрсаткичи (кадастр маълумоти) бўйича. Умуман бу хариталар бир-бирини тўлдирган ҳолда регионал миқёсда содир бўладиган zilзила oқибатларини аниқлашга қаратилган.

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди учун маълумотлар базаси ва ГАТ технологиялар асосида туманлар кесимида сейсмик риск бино-иншоотларнинг фойдали майдонини талафотланиши ҳамда тўғридан-тўғри иқтисодий зарарларда баҳоланди ва ҳисобланган маълумотлар умумлашган харитаси ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ИНСТИТУТЕ СЕЙСМОЛОГИИ**

ИНСТИТУТ СЕЙСМОЛОГИИ

АВАЗОВ ШУХРАТ БАХТИЁРОВИЧ

**ОЦЕНКА И КАРТИРОВАНИЕ СЕЙСМИЧЕСКОГО РИСКА
ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА НА ОСНОВЕ СОВРЕМЕННЫХ
ИНФОРМАЦИОННО–КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

04.00.06 - Геофизика. Геофизические методы поисков полезных ископаемых

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам

Ташкент-2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2022.2.PhD/GM133.

Диссертационная работа выполнена в Институте сейсмологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.seismos.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Исмаилов Вахитхан Алиханович**
доктор геолого-минералогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Юсупов Шухрат Сакиджанович**
доктор геолого-минералогических наук

Алимухамедов Илхом Мизратович
кандидат геолого-минералогических наук

Ведущая организация: **Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека**


Защита диссертации состоится «14» марта 2023 года в «10:00» часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 при Институте сейсмологии (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Зулфияхоним, 3. Тел.: +99871 241-51-70; +99871 241-74-98; E-mail: seismologiya@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института сейсмологии (регистрационный номер №1150) (100128, г. Ташкент, ул. Зулфияхоним, 3. Тел.: +99871 241-51-70).

Автореферат диссертации разослан «27» февраля 2023 года.
(реестр протокола рассылки №13 от «27» февраля 2023 года)




К.Н. Абдуллабеков
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., академик


З.Ф. Шукуров
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по г.-м.н.


С.Х. Максудов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике большое значение в области сейсмической безопасности имеют вопросы оценки потерь от сильных землетрясений и уменьшения последствий землетрясений. В целях защиты населения и территорий, расположенных в сейсмоактивных районах, особое внимание уделяется оценке масштабов экономических потерь от землетрясений, в частности, оценке различных уровней сейсмических рисков. В целях обеспечения устойчивого развития стран можно оценивать экономические потери, которые произойдут в регионах из-за землетрясений и прогнозировать их в указанные периоды, осуществлять мероприятия по уменьшению последствий землетрясений.

В настоящее время в развитых странах мира проводится ряд научных исследований по оценке сейсмического риска на региональном уровне. В этом отношении особое внимание уделяется необходимости создания сейсмотектонических и сейсмологических моделей, определения закономерностей колебаний грунтов при сейсмических воздействиях, определения степени повреждения зданий и сооружений при сейсмических воздействиях, разработки методики оценки сейсмических рисков с учетом изменения сейсмической интенсивности в различных грунтовых условиях и функции уязвимости зданий и сооружений различной конструкции на основе разработки специальных программ с использованием ГИС технологии для решения задач оперативной оценки сейсмического риска регионов.

В сейсмически активных регионах республики научные исследования по оценке сейсмического риска проводятся в основном для урбанизированных районов, включая оценку сейсмического риска территорий городов Ташкента, Джизака и Бухары. В стратегии развития нового Узбекистана "...экология и охрана окружающей среды, улучшение экологической ситуации в городах и районах..."¹ определены важные задачи. В связи с этим важное значение имеет проведение научных исследований, по оценке сейсмического риска территории республики с учетом особенностей инженерно-геологических условий.

Данное диссертационное исследование направлено на выполнение определенных задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 9 августа 2017 года ПП-3190 "О мерах по дальнейшему совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмической безопасности, сейсмостойкое строительство и сейсмология территории и населения республики и от 30 мая 2020 года № 4794 "О мерах по коренному совершенствованию системы обеспечения сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан", а также Указом Президента от 30 мая 2022 года № УП-144 "О

¹ Указ Президента Республики Узбекистан, от 28 января 2022 г. № УП-60 "О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы"

мерах по дальнейшему совершенствованию системы обеспечения сейсмической безопасности Республики Узбекистан" и некоторых нормативных документах, связанные с обеспечением сейсмической безопасности населения и территории.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики (Программа VIII – «Науки о Земле» – геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья).

